

“Оқибат” маҳалласи билан ҳамкорлик

Барча тузилмаларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги давлатимиз қудрати ва манбаидир. Маҳалланинг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлиги турли йўсинда бўлаётгани эътиборга молик. Институтимиз профессор ўқитувчилари “Оқибат” маҳалласига бир неча бор ташриф буюришганидан воқифсиз. Энди уларнинг институтимизга келиши, институтдаги жараёнлар билан танишиши табиий ҳол.



Институт ректорининг 2021 йил 10 майдаги “Институтга бириктирилган маҳаллаларда манзилли ишларни олиб бориш тўғрисида”ги 228 А/Ф-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида “Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” факультетига бириктирилган “Оқибат” маҳалласи фаоллари институтимизда ташкил этилган А.Орипов музейига ташриф буюришди. Музейдаги экспонатлар билан танишиш асносида жуда катта таассуротларга эга бўлишди.

ТИҚҲММИ матбуот хизмати